




# **Мавзу: Номоддий активлар ҳисоби**

---


- 1. Номоддий активларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва туркумланиши.**
- 2. Номоддий активлар ҳисобининг ҳуқуқий-меъёрий таъминоти.**
- 3. Номоддий активларни баҳолаш.**
- 4. Номоддий активлар кирими ва чиқимини ҳисобга олиш.**
- 5. Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш.**
- 6. Номоддий активларни инвентаризация қилиш.**
- 7. Номоддий активларни ҳисобга олишнинг халқаро амалиёти.**

**Номоддий активлар** - корхона томонидан улардан ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун узок муддат мобайнида тутиб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган мол-мулк объектлари.

(№7 БҲМС “Номоддий активлар”)



**Номоддий активлар турлари.**




**Саноат мулклари объекти.**



Интеллектуал мулк объеклари таркиби.

Номоддий актив тури	Умумий характеристика	Объектларни яратиш ва фойдаланишга доир муомалаларни тартибга солувчи қонун
1	2	3
Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи	Ер участкасидан хўжалик ва бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш, уни шу хўжалик мулки сифатида берилишини билдирмайди. Ташкилот фақат мазкур ердан уни тассаруф қилиш ҳуқуқисиз фойдаланиши мумкин.	Ер кодекси, «Мулкчилик тўғрисида»ги қонун, 1990 й (1993 й. ўзг.), «Концессия тўғрисида»ги қонун 1995 й. 30 август
Ер остидан фойдаланиш ҳуқуқи	Ер остидан фойдаланиш ҳуқуқи. Масалан, фойдали қазилмаларни қазиб олиш	«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун 2002 йил 13 декабрь
Ер ости бойликлари ҳақида геологик ва бошқа муълумотлар ҳуқуқи	Ер ости таркиби, ер остидаги фойдали қазилмалар ҳақида, уларни қайта ишлаш шароитлари, шунингдек геологик карталар, хисоботлар ва бошқа материаллардаги ер ости бойликларининг сифати ва хусусиятлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш.	«Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонун 2002 йил 13 декабрь

Табий объектлардан фойдаланиш ҳуқуқи тавсифи.



## Номоддий активлар таркиби

Мутлақ мулкый ҳуқуқлар	Мутлақ номулкий ҳуқуқлар
асарлардан кўчирма олиш (кўчирма олиш ҳуқуқи)	ажратиб бўлмайдиган муаллифлик ҳуқуқи.
асарларнинг нусхаларини исталган усулда таркатиш: сотиш, прокатга топшириш ва х.к. (таркатиш ҳуқуқи)	муаллифнинг уз номини ошкор этмаслик
таркатиш мақсадида асарларнинг нусхаларини, жумладан мутлақ муаллифлик ҳуқуқи эгасининг рухсати билан тайёрланганларини ҳам импортга чиқариш (импорт ҳуқуқи)	асарни муаллиф номи, тахаллуси билан ёки махфий ҳолда фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи.
асарларни оммавий кўрсатиш (оммавий кўрсатиш ҳуқуқи)	асарларни исталган шаклда оммалаштириш ҳуқуқи.
асарни очик ижро этиш (очик ижро этиш ҳуқуқи)	➤ асарни ҳар қандай бузишлардан ёки бошқача хавф-хатардан химоялаш ҳуқуқи.
эфирга узатиш йўли билан оммага маълум қилиш учун асарни билдириш (кўрсатиш, ижро этиш ёки эфирга бериш ҳам) ва (ёки) кейинчалик эфирга узатиш (эфирга узатиш ҳуқуқи)	

## Интеллектуал мулкларга ҳуқуқ



Хужжат тури	Турлари
Мухофазаловчи	Патентлар Гувоҳномалар
ҳуқуқларини бериш тўғрисидаги шартнома	Патентни бериш тўғрисида шартнома. Гувоҳномани бериш тўғрисидаги шартнома. Товар (хизмат кўрсатиш) белгисини бериш тўғрисидаги шартнома Мутлак ҳуқуқларни бериш тўғрисида муаллифлик шартномаси Ижрочининг мутлок ҳуқуқларини бериш тўғрисидаги шартнома Мулкий ҳуқуқни тўлик бериш тўғрисидаги шартнома.
Лицензион шартнома	... дан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида лицензион шартнома Мутлак бўлмаган ҳуқуқларни бериш тўғрисида муаллифлик шартнома ... га бўлган мулкий ҳуқуқнинг бир қисмини бериш тўғрисидаги шартнома ... га бўлган мулкий ҳуқуқни бериш тўғрисида шартнома Тижорат концессияси тўғрисида шартнома Сублицензия бериш тўғрисида шартнома
Ноу-хоу шартномаси	Ноу-хау тўғрисидаги шартнома Ноу-хоуни бериш тўғрисида шартнома Ноу-хоудан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида шартнома Ноу-хоудан фойдаланиш тўғрисида шартнома. Хуқуқдан, хусусан ноу-хоу ҳуқуқидан кечиш тўғрисидаги шартнома Лицензион шартнома, хусусан ноу-хоуга тегишли Тижорат концессияси шартномаси. Корхонани сотиш, хусусан ноу-хоуга тегишли шартнома.
Номоддий актив объектларини яратиш тўғрисидаги шартнома.	Буюртманинг муаллифлик шартномаси ИТТКИни бажариш бўйича шартнома. Технологик ишларни бажариш тўғрисида шартнома. Мехнат шартномаси. Ходимга ёзма равишда берилган хизмат топшириги. Илмий-техникавий маҳсулотни бериш тўғрисидаги шартнома.
Таъсис ҳужжатлари	Устав. Таъсис шартномаси

## Номоддий активларга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар

Интеллектуал мулк объекти	Мухофаза хужжати	Мухофаза хужжатининг амал қилиш муддати
Ихтиро ҳуқуқи	Патент	20 йил
Фойдали моделга ҳуқуқ	Гувоҳнома	5 йил
Саноат намунасига ҳуқуқ	Патент	10 йил
Товар белгиси(хизмат кўрсатиш белгиси)га ҳуқуқ	Гувоҳнома	10 йил
Товарнинг келиб чиқиш жой номларига ҳуқуқ	Гувоҳнома	10 йил
ЭҲМ дастурлари(маълумотлар базаси)га ҳуқуқ	Гувоҳнома	Бутун умри давомида + 50 йил
Интеграл микросхемалар топологияси ҳуқуқи	Гувоҳнома	10 йил
Селекция ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи	Патент	20 (25*) йил

\* Ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан, уларнинг пайвандтаглари учун

1.2.3-жадвал. Мухофаза хужжатлари ва уларнинг амал қилиш муддатлари.

## Номоддий активлар ҳисоби вазифалари:

- номоддий активлар ҳаракатининг барча ҳолатларини ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириш ва ҳисобда ўз вақтида акс эттириш;
- номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва бошқача тарзда чиқиб кетиши натижаларини ишончли акс эттириш;
- бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган номоддий активлар сақланиши устидан назорат ўрнатиш;

№	Олиниш усули	Бошлангич қиймати	Асос
1.	Пул ўтказиш йўли билан	хақиқий харажатлар ва фойдаланишга яроқли холга келтириш харажатлари суммаси	№7 БхМС 24-банди
2.	Ташкилотнинг ўзида яратиш	Яратишга қилинган хақиқий харажатлар суммаси	№7 БхМС 25-банди
3.	Пул маблағларидан ташқари мулкларга айирбошлаш	Шунга ўхшаш вазиятларда турдош товарларнинг қийматини аниқлашдан келиб чиққан айирбошланадиган мулк қиймати. Агар бундай усулда товарнинг қийматини аниқлаш имконияти бўлмаса, номоддий активларнинг қиймати турдош номоддий активларни олиш мумкин бўлган баходан келиб чиққан холда аниқланади.	№7 БхМС 23-банди
4.	Устав капиталига хисса тарикасида	Шартнома қиймати	Устав, таъсис шартномаси
5.	+айтариб бермаслик шarti билан олиш	Объектни фойдаланишга яроқли холга келтириш харажатларини ҳисобга олган холдаги бозор қиймати	ҳадя қилиш шартномаси, баҳолаш да-лолатномаси

## Номоддий активларни баҳолаш

**Номоддий активларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган счетлар**

**0400 Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар.**

0410 Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау

0420 Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари

0430 Дастурий таъминот

0440 Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи

0450 Ташкилий харажатлар

0460 Франчайз

0470 Муаллифлик ҳуқуқлари

0480 Гудвилл

0490 Бошқа номоддий активлар

**0500 Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар**

0510 Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси

0520 Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси

0530 Дастурий таъминотнинг амортизацияси

0540 Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси

0550 Ташкилий харажатларнинг амортизацияси

0560 Франчайзларнинг амортизацияси

0570 Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси

0590 Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси

0830 Номоддий активларни харид қилиш

9220 Бошқа активларнинг чиқиб кетиши

*0400-«Номоддий активларни хисобга  
олувчи счетлар» (0410-0490)*

<i>Дебет</i>	<i>Кредит</i>
<i>Колдик</i> - хисобот даври бошига номоддий активлар кийматининг колдиги	<i>Номоддий активларнинг чикиб кетиши (-)</i>
<i>Номоддий активлар кирими (+)</i>	
<b><i>Оборот</i></b>	<b><i>Оборот</i></b>
<i>Колдик</i> - хисобот даври охирига номоддий активлар кийматининг колдиги	

*0500-«Номоддий активлар амортизациясини хисобга  
олувчи счетлар» (0510-0590)*

<i>Дебет</i>	<i>Кредит</i>
<i>Чикиб кетаётган номоддий активлар бўйича амортизацияни хисобдан ўчириш</i>	<i>Колдик</i> - хисобот даври бошига номоддий активлар амортизациясининг колдиги
<b><i>Оборот</i></b>	<i>Ойлик амортизация хисобланиши</i> <i>Олинган номоддий активлар бўйича амортизация</i>
<b><i>Оборот</i></b>	<b><i>Оборот</i></b>
	<i>Колдик</i> - хисобот даври охирига номоддий активлар амортизациясининг колдиги

## Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400)нинг боғёланиши

№	Муомала мазмуни	Счетлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1	Номоддий активларни сотиб олиш учун шартномага мувофиқ олдиндан тўлов (бўнак) ўтказилганда	4320	5110
2	Шартномага мувофиқ сотувчига тўланадиган суммалар	0830	6010
3	Номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ маслаҳат хизматлари учун тўланадиган суммалар	0830	6010
4	Воситачи ташкилотларга тўланган суммалар: -хизматлар қиймати	0830	6010
5	Рўйхатга олиш учун тўловлар	0830	6010, 6410
6	Берилган тижорат кредитлари бўйича тўланадиган фоизлар	0830	6920
7	Номоддий актив сотиб олиш учун олинган банк кредити бўйича тўланадиган фоизлар (Номоддий активни балансга қабул қилгунгача)	0830	6920
8	Қиймати валютада аниқланган, тўловлар эса шартнома шартларига кўра сўмда амалга оширилган, номоддий активлар сотиб олинмишида ҳосил бўлган тафовутларга: а) валюта курси ўсиб борганда: -курс тафовути б) валюта курси камайиб борганда: -курс тафовути	0830	6010 6990
		9620	6010
9	Импортга олинган номоддий актив бўйича ҳисобланган божхона тўлови	0830	6410
10	Номоддий актив объектини фойдаланиш учун яроқли холга келтириш бўйича қўшимча харажатлар: -иш хақи -суғурта тўловлари -материаллар сарфи -ҳисобдор шахслар харажати	0830	6710
		0830	6520
		0830	1010
		0830	4220-4290,
			6970

## Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётларнинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	2010, 2310	0510-0590
2	Умум ишлабчиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	2510, 2710	0510-0590
3	Савдо корхоналарида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда	9410	0510-0590
4	Бошқарув маъсадида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланганда	9420	0510-0590
7	Номоддий активларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узое муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиши натижасида йиқилган амортизация суммасини ҳисобдан чиқариш	0510-0590	9220



## Номоддий активларга амортизация ҳисоблаш усуллари:

- а) амортизация ҳисоблашнинг бир текис (тўғри чизиқли) усули.
- б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули.
- в) икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- г) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Амортизация ҳисоблашнинг бир текис (тўғри чизиқли) усули

$$\text{Ойлик амортизация} = \frac{\text{Бошланғич қиймати}}{\frac{\text{Йиллик амортизация нормаси}}{12 \text{ ой}}} \times 100\%$$

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш) усули

$$\text{Амортизация ажратмаси} = \frac{\text{ҳақиқатда чиқарилган маҳсулот ҳажми}}{\frac{\text{НМАнинг бошланғич қиймати}}{\text{Фойдали хизмат муддати мобайнида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулот ҳажми}}}$$

**Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни  
камайтириш усули;**

**Ушбу усулда исталган қатъий ставка (%) қўлланилиши мумкин. Кўп ҳолларда амортизация ҳисоблашнинг бир текис (тўғри чизиқли) усулида қўлланиладиган амортизация нормасининг иккига кўпайтирилган миқдори олинади.**

$$\frac{100\%}{\text{Фойдали хизмат муддати}} \times 2 = \frac{100\% \times 2}{5 \text{ йил}} = 40\%$$

	Дастлабки қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Тўпланган амортизация	Баланс қиймати
Сотиб олинган сана	1 000 000	-	-	1 000 000
1 йил	1 000 000	1 000 000x40%=400 000	400 000	600 000
2 йил	1 000 000	600 000x40%=240 000	640 000	360 000
3 йил	1 000 000	360 000x%=144 000	784 000	216 000
4 йил	1 000 000	216 000x40%)=86 400	870 400	129 600
5 йил	1 000 000	29 600	900 000	100 000

## Йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Фойдали хизмат қиладиган муддати давомида йиллар сони йиғиндиси асосида аниқланиб, ушбу йиғинди ҳисоб-китоб коэффициентидида махраж бўлиб хизмат қилади. Бу коэффициентнинг суратида фойдали хизмат муддати тескари тартибда жойлаштирилади.

Масалан, номоддий активнинг хизмат муддати 5 йил. Хизмат муддати йиллари йиғиндиси (кумулятив сон) 15 га тенг. (1+2+3+4+5=15)

$$n \times \frac{(n+1)}{2} \quad n - \text{йиллар сони}$$

	Дастлабки сыймати	Йиллик амортизация суммаси	Тўпланган амортизация	Баланс сыймати
Сотиб олинган сана	900 000	-	-	9000 000
1 йил	900 000	$900\ 000 * 5/15 = 300\ 000$	300 000	600 000
2 йил	900 000	$900\ 000 * 4/15 = 240\ 000$	540 000	360 000
3 йил	900 000	$900\ 000 \times 3/15 = 180\ 000$	720 000	180 000
4 йил	900 000	$900\ 000 \times 2/15 = 120\ 000$	840 000	60 000
5 йил	1 000 000	$900\ 000 \times 1/15 = 60\ 000$	900 000	-

0500-«Номоддий активларни  
эскиришини ҳисобга олувчи ҳисоблар»  
(0510-0590)

2010, 2310-ҳисоблар

1) Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлатилаётган НМА бўйича  
амортизация ҳисобланганда

2510, 2710-ҳисоблар

2) Умум ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлатилаётган  
НМА бўйича амортизация ҳисобланганда

9410-ҳисоб

3) Савдо корхоналарида ишлатилаётган НМА бўйича амортизация  
ҳисобланганда

9420-ҳисоб

4) маъмурий мақсадларда ишлатилаётган НМА бўйича амортизация  
ҳисобланганда

9440-ҳисоб

5) серияли ёки ёппасига ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган, янги  
технологик жараёнларни ўзлаштиришда ишлатилаётган НМАга  
амортизация ҳисобланганда

0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга  
олувчи ҳисоблар»  
(0810-0890)

6) Капитал қўйилмаларда ишлатилаётган НМА бўйича амортизация  
ҳисобланганда

Номоддий активлар тури	Тавсифи	Бухгалтерия хисобининг асосий муаммолари
<b>Патент</b>	Маълум турдаги махсулотни ишлаб чиқариш ёки махсус жараёндан фойдаланиш учун ўн етти йилгача бўлган даврга давлат томонидан кафолатланган мутлоқ ҳуқук.	Патентни муҳофаза қилиш харажатлари патентнинг дастлабки қийматини кўпайтиради. Патентнинг дастлабки қиймати унинг фойдали хизмат муддати давомида амортизацияланади. Бу муддат 17 йилдан кам бўлиши ҳам мумкин.
<b>Копирайт (нусха кўпайтириш ҳуқуқи)</b>	Адабиёт, мусика, кино, видео ва бошқа материалларни, компьютер дастур таъминотини, шу жумладан компьютер дастур таъминотини муаллифнинг хаёти даврида 50 йилни кўшган ҳолда, кўпайтириш ва сотиш учун давлат томонидан кафолатланган мутлоқ ҳуқук.	Хақиқий таннархи бўйича рўйхатга олинади ва фойдали хизмат муддати, аммо 40 йилдан ошмаган муддат давомида амортизацияланади.
<b>Лизхолд</b>	Маълум ер участкасини ёки бинони узоқ муддатли ижара тўғрисидаги шартномага мувофиқ эгаллаш ҳуқуқи. Масалан, “А” компания ер участкасининг эгаси бўлатуриб, ундан 10 йил давомида фойдаланишни истамайди. Бу ҳолда “В” компания лизхолд сотиб олади.	“Лизхолд” счётининг дебитида ер майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўланган сумма акс эттирилиб, ушбу ҳуқук берилган муддат давомида амортизацияланади
<b>Савдо маркаси</b>	Ишлаб чиқариладиган товарлар ёки кўрсатиладиган хизматларни идентификациялаш учун ҳуқук берувчи рўйхатга олинган символ ёки ном.	“Савдо маркаси” счётининг дебитида сотиб олиш баҳоси акс эттирилиб, 40 йилдан ошмаган муддатда амортизацияланади.
<b>Франчайз, Лицензия, Формула, Жараён</b>	Маълум формула, технология ёки ташки кўринишдан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқук.	“Франчайз”, “Лицензия”, “Формула”, “Жараён” счётларининг дебитида сотиб олиш баҳоси акс эттирилиб, 40 йилдан ошмаган муддат давомида амортизацияланади.
<b>Гудвил - “Фирмининг баҳоси”</b>	Корхонани бутунлигича сотиб олиш қийматини корхонанинг алоҳида сотиб олинадиган барча активлари бозор қийматидан ошган қисми.	“Фирмининг баҳоси” счётининг дебитида хақиқий ошган миқдор акс эттирилиб, 40 йилдан ошмаган муддат давомида амортизацияланади.

## Номоддий активлар ҳисоби

*Эътнборингиз*

*учун раҳмат!*